Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

№ 41 (492) 2021 йил 25 май, сешанба

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## Шу куннинг гаплари

Андижоннинг Балиқчи тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан **“Қўштепа–Эшон–Шерали чек”** автомобиль йўлида таъмирлаш ишлари бошланди.

Хоразмнинг Шовот туманида коронавирусни аниқловчи ПЗР лабораторияси ишга тушди. Республика санитария-эпидемиологик осойишталик маркази томонидан лабораторияга **300 млн** сўмлик аппарат тақдим этилди.

Наманган туманида МТТ сони 93 тага етди. Шундай масканлардан бири Хўжақишлоқ маҳалласида қад ростлади. Уни “Муродил вақт инвест” МЧЖ қурувчилари **314 млн** сўм маблағ ҳисобига бунёд этишди.

Пойтахтимизнинг янги тумани – **Янги ҳаёт**да қурилиш ва таъмирлаш ишлари авжида. Кўп қаватли уйларнинг ташқи фасадлари таъмирланиб, замонавий спорт майдончалари, велосипед йўлаклари қурилмоқда.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг май ойи ҳолатида республикамизда рўйхатдан ўтган хорижий капитал иштирокидаги корхона-ташкилотлар сони **13 000** тага етган. Бу, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **1 557** тага ошган.

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ҚАМРОВИНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 24 май куни ҳудудларда мактабгача таълим муассасалари қамровини кенгайтириш масалалари муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Болаларда мактабгача бўлган ёшда ақлий фаоллик ошади, ахлоқий ва жисмоний хислатлар шаклланади. Шу боис мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш бўйича ҳам ташкилий, ҳам мазмун жиҳатидан кўп ишлар қилинмоқда.

Хусусан, охирги тўрт йилда боғчалар сони 5 минг 200 тадан 18 минг 300 тага ошди. Болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 2 баробар ортиб, 60 фоизга етди. Давлат томонидан берилган имконият ва имтиёзлар натижасида хусусий ва оилавий боғчалар ҳам кўпайди. Бугунги кунда барча мактабгача таълим муассасаларида 1 миллион 700 минг нафар бола тарбияланмоқда.

Лекин, бу ишлар ҳали етарли эмас. 53 та туманда боғчалар етишмайди. Масалан, Сурхондарё вилоятининг Бандихон, Денов, Қумқўрғон, Қашқадарё вилоятининг Чироқчи, Қамаши ва Китоб, Тошкент вилоятининг Янгийўл туманларида қамров даражаси жуда паст.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда соҳадаги шу каби камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Уларни бартараф этиш, мактабгача таълим қамрови ва сифатини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Мазкур 53 та туманда 34 минг ўринли 2 мингта оилавий боғча ташкил этиш чоралари белгиланди. Бундай боғчаларга қўшимча ишчи ёллашга рухсат бериб, қабул қилинадиган болалар сонини икки баробар ошириш таклифи маъқулланди.

Давлатимиз раҳбари асосийси таълим-тарбия мазмуни эканини таъкидлаб, оилавий боғчаларга ўқув қўлланма ва методик материалларни бепул етказиб бериш вазифасини қўйди. Бунинг учун давлат томонидан жами 30 миллиард сўм ажратилади. Шунингдек, бундай муассасаларни зарур жиҳозлар билан таъминлаш учун 5 фоиз ставкада 30 миллион сўмгача имтиёзли кредитлар берилади.

Олис ҳудудларда мактабгача таълим қамровини кенгайтиришнинг яна бир манбаси – давлат-хусусий шериклик асосидаги боғчалардир. Бугунги кунда бундай муассасаларда бир бола учун 50 фоиз харажатлар субсидия қилиб келинмоқда.

Йиғилишда ушбу субсидия миқдорини 75 фоизга етказиш, хусусий боғчаларнинг электр энергияси ва табиий газ тўловининг 50 фоизини давлат бюджетидан қоплаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Бундан ташқари, пандемия сабабли тўлиқ қувватда ишламаган давлат-хусусий шериклик боғчаларининг кредитлари бўйича асосий қарз тўлови муддати ҳам йил якунига қадар узайтирилди.

Давлат томонидан янги боғчалар қуриш ишлари ҳам давом эттирилмоқда. 2021-2022 йилларда 23 та туманнинг олис ва чекка ҳудудларида 50 та мактабгача таълим муассасаси барпо этиш режалаштирилган. Бунинг учун қамров даражаси энг паст ва болалар сони 250 тадан ошган 50 та маҳалла танлаб олинган.

Президентимиз ушбу боғчаларни илғор хорижий тажриба асосида қуриш, замонавий жиҳозлар ва қўлланмалар билан таъминлаш юзасидан топшириқлар берди.

Мактабгача таълим муассасаларининг 12 минг нафар ходимини ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича қисқа муддатли курслар ташкил қилиниши қайд этилди.

Ўз фаолиятида сусткашликка йўл қўйгани учун мактабгача таълим вазирининг биринчи ўринбосари лавозимидан озод этилди. Вазирнинг бошқа ўринбосарлари ҳамда вазирликнинг барча ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ўз вазифасини бажарувчи даражасига туширилди. Уларнинг ўз лавозимига лойиқлиги кейинги фаолияти натижадорлиги таҳлили асосида кўриб чиқилиши белгиланди.

**ЎзА.**

## Буюртмачи хизмати фаолияти тубдан ислоҳ қилинади

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 20 майдаги 321-сон қарорига кўра, 2021 йил 1 июндан буюртмачи хизматининг штатлар жадвали ва таъминот ҳаражатлари сметасини рўйхатдан ўтказишда техник назорат мутахассислари учун хизмат сафари харажатларининг объектлар жойлашган масофадан келиб чиқиб, жорий нархларда белгиланади.**

Буюртмачи хизматлар Қурилиш вазирлиги томонидан белгиланган малака тоифаси асосида техник назорат соҳасидаги масъул мутахассисларга улар меҳнатига ҳақ тўлашнинг амалдаги тариф коэффициентларига **2021 йил 1 августдан бошлаб:**

*биринчи тоифа учун – 0,2 миқдорда;*

*иккинчи тоифа учун – 0,5 миқдорда;*

*учинчи тоифа учун – 0,7 миқдорда;*

*олий тоифа учун – 1,0 миқдорда коэффициент қўшилади.*

**Қарор билан қуйидагилар тасдиқланди:**

*Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати тўғрисидаги низом;*

*Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизматининг намунавий тузилмаси;*

*Қурилиш объектларида муаллифлик ва техник назорат олиб бориш тартиби тўғрисида низом;*

*Қурилиш объектларида назорат ўлчовини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом.*

**Эслатма:** Қарорнинг тўлиқ матни билан газетанинг келгуси сонида танишишингиз мумкин.

# Наманганда ГУЛЛАР фестивали







**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Бу галги Гул байрамини наманганликлар узоқ кутишларига тўғри келди. Чунки 2020 йили тадбир коронавирус пандемияси сабабли қолдирилганди. Анъанага биноан Аэропорт майдонидан “Гуллар автокарвони” шаҳар марказидаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғи сари йўлга чиқди. Салкам ўн беш километрли кўчаларда автокарвонни минглаб мухлислар олқишлаб турди. 200 дан ортиқ гуллар билан безатилган машиналар барчага хуш кайфият бағишлади.**

Гуллар чиндан ҳам кўтаринки кайфият, шодлик-хуррамлик ва орасталикнинг яққол кўринишидир. Шу маънода, наманганликлар гўзаллик ва нафосат, қадрият ва муҳаббат, ҳурмату эҳтиром рамзи саналган гулларга алоҳида меҳр қўйган.

Наманганда кўҳна ва навқирон кентнинг ўзигагина хос бўлган гуллар сайли бошланди. Ҳар бир кўча, хиёбон, хонадонларгача чаманзорга бурканди.

Ҳар йилги анъанавий байрам Халқаро гуллар фестивали мақомини олди. Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг махсус фармойиши қабул қилинди. Олтмишинчи марта, юбилей тарзида нишонланаётган нафосат байрамини халқаро миқёсда юқори савияда ўтказиш учун катта тайёргарлик ишлари амалга оширилди.

Асосий тадбирлар бўлиб ўтаётган Наманган шаҳридаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида 4 миллиард сўмга яқин қурилиш-монтаж, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлимининг маъмурий биноси, “Нуронийлар чойхонаси”, 800 та томошабинга мўлжалланган амфитеатр, очиқ эстрада майдони, “Сокин ҳудуд”, “Насиҳат майдони” барпо этилди. 165 та тунги чироқ, 65 та сўри токли ўтирғич ўрнатилди. Тўққизта кўча билан боғловчи шунча дарвоза қад ростлади. Мўътадил ҳавони сақлаб турувчи фавворалар, 1,5 километр очиқ сув тизими, учта ер ости дренаж қудуғи ишга туширилди. Бир гектарлик кўлда “Музқаймоқ оролчалари”, “Қайиқлар бекати”, 48 аттракцион барпо этилди. Шахмат-шашка клуби қурилди. Тўртта катта гулхона, беш гектарлик майдонда 500 га яқин ноёб манзарали дарахтлар парвариш қилинди. Бу гўзал масканда ёшу кексани бирдек ўзига оҳанрабодек жалб этадиган 10 миллион дона гул кўчати ўтқазилди.

6-бет

Қонунчиликни билинг

# Шаҳарсозлик кодексининг 21-моддаси нима ҳақида?

**21-модда.** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ижро этувчи ҳокимият органларининг шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари



**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ижро этувчи ҳокимият органлари ўз ваколатлари доирасида:**

- шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади, шунингдек, шаҳарсозлик фаолияти объектларининг бут сақланишини таъминлайди;
- шаҳарлар ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ва истиқболдаги урбанизация жараёнлари асосида аҳолини оқилона жойлаштириш, муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш масалаларини ҳал қилади;
- маҳаллий аҳамиятга молик объектларни қуришга доир шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи вазифаларини бажаради ва бу объектларнинг молиялаштирилишини таъминлайди;
- шаҳарсозлик фаолияти объектларини қуриш тўғрисида қарорлар қабул қилади;
- ўз ҳудудидаги шаҳарсозлик фаолиятини, агар бу фаолият шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мос келмаса, чеклайди, тўхтатиб туради ёки тақиқлайди. Тадбиркорлик субъектларининг шаҳарсозлик фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш суд тартибида амалга оширилади, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун бошқа реал таҳдид юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно;
- реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш масалаларига доир шаҳарсозлик фаолиятини назорат қилади ҳамда режалаштиради, шу жумладан реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) қурилиши учун ажратиладиган ер участкалари рўйхатини шакллантиради, уларни паспортлаштиришни амалга оширади;
- аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқишни ташкил этади ва уларнинг жамоатчилик муҳокамасини таъминлайди;
- қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини, аҳоли пунктлари ҳудудларининг қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳаларини (бундан буён матнда батафсил режалаштириш лойиҳаси деб юритилади) ҳамда мавзеларни, кичик даҳаларни ва аҳоли пунктлари режалаштирилган тузилмасининг элементларини қуриш лойиҳаларини (бундан буён матнда қуриш лойиҳаси деб юритилади) тасдиқлаш учун тегишли ҳокимият вакиллик органларига киритади;
- вилоятлар ҳудудларини режалаштириш тарҳлари, муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, шунингдек ободонлаштириш тарҳлари ва лойиҳалари ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этади;
- туманни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳаларини тасдиқлаш учун тегишли вакиллик органларига киритади;
- маҳаллий аҳамиятга молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектларининг чегараларини ҳамда тегишли объектлар ҳудудларида шаҳарсозлик фаолиятини тартибга солиш тартиботини белгилайди;
- аҳоли пунктларини қуриш қоидалари лойиҳаларини тасдиқлаш учун тегишли ҳокимият вакиллик органларига киритади;
- аҳоли пунктлари шаҳарсозлик ҳужжатларининг, шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг ишлаб чиқилиши ва молиялаштирилишини, давлат шаҳарсозлик кадастри, шаҳарсозлик фаолияти объектларининг мониторинги юритилишини, комплекс муҳандислик қидирувлари ўтказилишини, аҳоли пунктларини микросейсмик ҳудудлаштириш хариталари тузилишини, шаҳарсозлик ҳужжатлари амалга оширилиши юзасидан мониторинг олиб борилишини ва бу ҳужжатларнинг экспертизадан ўтказилишини таъминлайди;
- шаҳарсозлик фаолияти соҳасида қабул қилинаётган қарорлар тўғрисида аҳолини мунтазам равишда хабардор қилади;
- ўзбошимчалик билан қурилган иморатларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бузиб ташланишини ташкил этади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ижро этувчи ҳокимият органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№41 (492) 2021 йил 25 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

# ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИНИНГ ПРОФИЛАКТИКА (КАТТА) ИНСПЕКТОРЛАРИНИ 2021 — 2023 ЙИЛЛАРДА ХИЗМАТ УЙ-ЖОЙЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика инспекторларини хизмат уй-жойи билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2906-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика инспекторлари учун хизмат уй-жойлари жадал қурилишини ташкил этиш бўйича манзилли чора-тадбирларни белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи 2021 — 2023 йилларда ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика инспекторларини бевосита улар хизматни ўтайдиган ҳудудда жойлашадиган хизмат уй-жойлари билан таъминлаш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) иловага мувофиқ тасдиқлансин:

жами 2 965 та, шундан 2021 йилда 993 та, 2022 йилда 988 та ҳамда 2023 йилда 984 та уй-жойни янгидан қуриш;

жами 223 та, шундан 2021 йилда 80 та, 2022 йилда 72 та ҳамда 2023 йилда 71 та янги хонадон харид қилиш;

жами 161 та, шундан 2021 йилда 63 та, 2022 йилда 51 та ҳамда 2023 йилда 47 та уй-жойни тўлиқ таъмирлаш.

2. Белгилаб қўйилсинки, Дастур доирасида:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси ДУК — хизмат уй-жойларини қуриш бўйича буюртмачи ҳисобланади;

хизмат уй-жойлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида» 2016 йил 21 октябрдаги ПҚ-2639-сон қарорига мувофиқ 0,02 гектар ҳажмдаги ер участкаларида жойлаштириладиган, ҳовли иншоотларига эга бўлган бир қаватли 2 ва 3 хонали уй-жойларнинг намунавий лойиҳаси бўйича қурилади;

хизмат уй-жойларини қуриш, қуришга массивларни тайёрлаш, суғориш сув қувури, ирригация тармоқлари, кириб келиш йўллари, йўлаклари ва ташқи ёритиш тармоқларини қуришни ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ҳудудларини ободонлаштириш, шунингдек, хизмат уйлари учун янги хонадонларни харид қилиш ҳамда уй-жойларни тўлиқ таъмирлаш Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади;

қурилиш ишларини амалга ошириш учун бош пудратчи ва бош лойиҳачи ташкилотлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда танлов (тендер) асосида аниқланади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дастурнинг ижросини таъминлаш доирасида:

ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика инспекторлари учун бевосита улар хизматни ўтайдиган ҳудудда жойлашадиган хизмат уй-жойларини шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ белгиланган муддатларда сифатли қурилишини таъминласин;

шаҳар жойларда кўп квартирали уйлардан квартиралар харид қилсин ёки маҳаллий ҳокимликлар томонидан квартиралар ва уй-жойлар ажратиб, уларни ички ишлар органларига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ўтказиб берсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика инспекторларини хизмат уй-жойи билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2906-сон қарорига мувофиқ 2017 — 2019 йилларда тайёр бино ва иншоотларда жойлашган тўлиқ таъмирланмаган 161 та хизмат уй-жойлари тўлиқ таъмирланишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Дастурнинг ижроси доирасида қурилган уй-жой, харид қилинган ёки маҳаллий ҳокимликлар томонидан ажратилган ҳамда таъмирланган квартира ва уй-жойларни белгиланган тартибда қабул қилиб олиш ҳамда уларнинг мазкур ҳудудларда хизмат фаолиятини олиб бораётган ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика (катта) инспекторларига бириктирилишини таъминласин;

Дастурнинг бажарилишини мониторинг қилиб борган ҳолда, ҳар ярим йилда унинг ижроси ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим этиб борсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги мазкур қарор доирасида объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш бўйича бажариладиган ишларнинг сифати, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Ж. Раматов ҳамда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П. Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2021 йил 20 май,
317-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 майдаги 317-сон қарорига
ИЛОВА

**2021 — 2023 йилларда ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика инспекторларини бевосита улар хизматни ўтайдиган ҳудудда жойлашадиган хизмат уй-жойлари билан таъминлаш ДАСТУРИ**

| Т/р | Ҳудуд номи | Жами | Янги қуриладиган уй-жойлар (2 сотихли) | | | Жами | Янги хонадон харид қилиш | | | Жами | Таъмирталаб уйларни тўлиқ таъмирлаш | | | Молиялаштириш манбаи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2021 йил | 2022 йил | 2023 йил | | 2021 йил | 2022 йил | 2023 йил | | 2021 йил | 2022 йил | 2023 йил | |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | **63** | 21 | 21 | 21 | | | | | **2** | 1 | 1 | 0 | |
| 2. | Андижон вилояти | **363** | 121 | 121 | 121 | | | | | **9** | 5 | 2 | 2 | |
| 3. | Бухоро вилояти | **193** | 65 | 64 | 64 | | | | | | | | | |
| 4. | Жиззах вилояти | **56** | 19 | 19 | 18 | | | | | **5** | 3 | 1 | 1 | |
| 5. | Қашқадарё вилояти | **153** | 51 | 51 | 51 | | | | | 20 | 7 | 7 | 6 | |
| 6. | Навоий вилояти | **110** | 37 | 37 | 36 | **1** | 1 | 0 | 0 | **7** | 4 | 2 | 1 | |
| 7. | Наманган вилояти | **308** | 103 | 103 | 102 | | | | | **3** | 1 | 1 | 1 | |
| 8. | Самарқанд вилояти | **366** | 122 | 122 | 122 | **33** | 11 | 11 | 11 | **25** | 9 | 8 | 8 | Маҳаллий бюджет қўшимча манбалари ҳисобидан |
| 9. | Сурхондарё вилояти | **268** | 90 | 89 | 89 | **7** | 4 | 2 | 1 | **17** | 6 | 6 | 5 | |
| 10. | Сирдарё вилояти | **44** | 15 | 15 | 14 | **5** | 3 | 1 | 1 | **1** | 1 | 0 | 0 | |
| 11. | Тошкент вилояти | **424** | 142 | 141 | 141 | | | | | **11** | 5 | 3 | 3 | |
| 12. | Фарғона вилояти | **375** | 125 | 125 | 125 | **11** | 5 | 3 | 3 | | | | | |
| 13. | Хоразм вилояти | **173** | 59 | 57 | 57 | **1** | 1 | 0 | 0 | | | | | |
| 14. | Тошкент шаҳар | **69** | 23 | 23 | 23 | **165** | 55 | 55 | 55 | **61** | 21 | 20 | 20 | |
| | **Жами** | **2 965** | 993 | 988 | 984 | **223** | 80 | 72 | 71 | **161** | 63 | 51 | 47 | |

*(Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.05.2021 й., 09/21/317/0478-сон)*

# Тошлоқда гиламдўзлик ривожланяпти

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Тошлоқ туманида уч қаватли ҳунармандлар маркази иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Унинг биринчи қавати кўргазма павильонига мўлжалланган, иккинчи қаватида эса ипак гиламлар тўқиш цехи жойлашган.**

– Гиламдўзлар 2 миллион сўмгача маош олишяпти, – деди цех устаси Муборакхон Аҳмедова. – Жамоамизда соҳанинг етук мутахассислари борлиги ютуқларимизнинг омили бўлмоқда. "Каттакўча" МФЙдан Азизахон Узоқова, Гулсанам Норалиевалар ана шулар жумласидан. Авваллари бу ҳунармандлар Марғилон шаҳрига қатнаб ишлар эди. Эндиликда ўзимизнинг туманда ҳам гиламдўзлик фаолияти йўлга қўйилгани барчани қувонтирди.

Айни кунларда цехда тайёрланаётган атлас, адрас, шойи, жанда, беқасам, аъло бахмал ва сатин кабилар хорижга экспорт қилинмоқда. Тадбиркор Иброҳимжон Султонов марказда бу матоларни тўқишни йўлга қўйган. Сайёрахон Мамажонова бошчилигидаги Наргизахон Омонова, Муҳайё Турдибоева, Шоҳсанам Исмоилова каби ўндан зиёд уста ҳунармандлар ишга янги қабул қилинган тошлоқлик ёш аёлларга тўқиш сирларини ўргатишмоқда.

Туман "Ҳунарманд" уюшмаси раҳбари Гулчеҳра Собированинг таъкидлашича, шогирд қизлар уч ой мобайнида стипендия билан таъминлаб бориляпти. Марказда тайёрланаётган маҳсулотларни Туркия, Россия, Англия, Германия, Америка ва Хитой каби ўнлаб хориж давлатларига экспорт қилиш режалаштирилган.

Таҳлил

# Давлат хизматлари қамрови ва тезкорлиги янада ошади

**Нурилло НАСРИЕВ,**
ЎзА мухбири.

**Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, давлат хизматлари кўрсатиш мамлакатимиздаги энг кенжа соҳалардан бири ҳисобланади. Яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 декабрдаги фармони ва қарорига асосан Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилган эди.**

Бунга уч йилдан сал ошди, холос. Аммо бу йўналишда қилинган ва бажарилган ишлар кўламини бир неча ўн йилликлар билан ўлчаш мумкин. Масалан, 2018 йилнинг 1 апрелигача Давлат хизматлари марказлари томонидан тадбиркорлик субъектларига 37 турдаги хизматлар кўрсатилган бўлса, бугунги кунда аҳолига ҳамда тадбиркорлик субъектларига 160 га яқин давлат хизматлари кўрсатилмоқда. Бир кунда кўрсатиладиган давлат хизматлари ўртача 57 мингтадан ортиқни ташкил этади. Буларнинг барчаси аҳолига катта қулайлик яратмоқда. Аммо бугунги дунёнинг талаблари ўзгача. Яъни соҳадаги қамровни ва тезликни янада ошириш шарт.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 10 май куни давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги ислоҳотлар натижадорлигига оид тақдимот билан танишди. Унда йил якунига қадар давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган хизматлар сонини 200 тага етказиш вазифаси қўйилди.

2018 йилда давлат хизматлари кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантиришга старт берилди. Биринчи галда соҳа ислоҳ қилиниб, 70 дан зиёд хизматлар соддалаштирилди. Рақамларга тўхталсак, талаб этиладиган ҳужжатлар сони 221 тадан 95 тага, хизмат кўрсатишнинг умумий муддати қарийб 500 кундан 271 кунга қисқарди. Ҳудудларда давлат хизматлари марказлари учун 145 та янги бино ва 115 та филиал барпо этилди.

Таҳлилларга кўра, айни дамда 22 фоиз ёки 157 турдаги давлат хизматлари замонавий марказлар орқали кўрсатилмоқда. Бу аҳоли учун катта қулайлик дегани, албатта. Бошқача айтганда, марказлар халқнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилувчи ноёб майдончага айланди.

Мисол учун 18 турдаги маълумотномаларнинг бекор қилиниши билан йилига 10-12 миллион аҳолининг оворагарчилигига чек қўйилади ва 150 миллиард сўм маблағнинг иқтисод қилиниши таъминланади. 10 га яқин электрон тизимнинг ишга тушиши ортидан 100 тонна қоғоз ҳамда 1,4 миллиард сўм маблағ тежалади.

Бироқ бу чегара эмас. Қулайликларни янада ошириш имкони мавжуд ва эндиликда давлат хизматларини кўрсатиш соҳаси янги босқичга қадам қўймоқда.

Унча узоқ эмас, 4-5 йил нари-берисида, давлат хизматлари ҳақида сўз кетганда, кўз ўнгимизда узундан-узоқ навбатлар, оворагарчиликлар гавдаланарди. Бугун умуман бошқача манзарани кўриш мумкин. Давлат хизматларидан фойдаланмоқчимисиз, энди танлов имкониятига эгасиз. Истасангиз, давлат хизматлари марказига боринг ёки мобиль илова, веб-портал орқали электрон хизматлардан фойдаланинг. Қолаверса, почта бўлимларида ҳам электрон давлат хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилган.

Хуллас, айнан давлат хизматларидан фойдаланиш бобида имкониятлар анча кенгайди. Жорий йилдан давлат хизматлари кўрсатиш соҳаси сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилмоқда. Хизматлардан фойдаланиш нафақат оворагарчиликка чек қўйиши, вақт ва маблағни тежаши, балки тизимнинг электронлашувида ҳам жуда муҳим.

Соҳани янада ривожлантириш мақсадида йил якунигача давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган хизматлар сони 200 тага етказилади. Бу ҳали ҳаммаси эмас. 716 та давлат хизматининг муддати, тўлов миқдори ва бошқа талабларини соддалаштириш, кун тартибидаги муҳим масалалардан.

– Давлат хизматлари ўтган йил якуни билан 142 турда бўлган бўлса, ҳозирда 157 тага етди, – дейди Давлат хизматлари агентлиги директори Улуғбек Муҳаммадиев. – Масалан, автотранспорт воситаларини расмийлаштириш, давлат рақами белгиси олиш, хорижий паспорт расмийлаштириш, яъни одамлар кундалик ҳаётида энг кўп эҳтиёж сезадиган хизматлар сифатини ҳам ошириш бўйича иш олиб боряпмиз. Олис ҳудудлар, яъни тоғли, чегара ҳудудлар ва вилоят ёки туман марказидан узоқда жойлашган ҳудудларда филиаллар очиш ҳамда ушбу филиаллар орқали кўрсатиладиган хизматлар сифати ҳам марказдагидан қолишмайдиган даражада бўлиши юзасидан топшириқ берилди. Энг оғир ҳудудлар танлаб олиниб, замонавий компьютер, техника, интернет, мебел ва бошқа жиҳозлар етказиш бўйича ишлар бошланди. Ўша ҳудудда яшовчи аҳоли ичидан ходим танлаб олиниб, халқаро мутахассисларни жалб қилган ҳолда малакасини ошириб бориш ҳам режалаштирилган.

Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида Кегейли, Қашқадарё вилоятида Деҳқонобод, Нишон, Чироқчи туманлари, Сурхондарё вилоятида Шўрчи, Бандихон, Қизириқ туманлари ва шунга ўхшаш туманлар танлаб олинди. Давлатимиз раҳбари томонидан шундай ташаббус билдирилдики, ўша туман ҳудудларидан дарс юкламаси камроқ бўлган ўқитувчилардан ярим штат бирлигида ишга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

> 2018 йилда давлат хизматлари кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантиришга старт берилди. Биринчи галда соҳа ислоҳ қилиниб, 70 дан зиёд хизматлар соддалаштирилди. Рақамларга тўхталсак, талаб этиладиган ҳужжатлар сони 221 тадан 95 тага, хизмат кўрсатишнинг умумий муддати қарийб 500 кундан 271 кунга қисқарди. Ҳудудларда давлат хизматлари марказлари учун 145 та янги бино ва 115 та филиал барпо этилди.

– Бу тизим биринчи навбатда аҳоли ва тадбиркорларга қулайлик яратмоқда, – дейди тадбиркор Бахтиёр Соатов. – Мен ўзим тадбиркорман. Фирмани очиш ёки қандайдир рухсатномалар олиш керак бўлганда камида бир ой вақт кетарди. Давлат хизматлари марказларида эса тегишли ҳужжатлар олиб келинса, 15-20 дақиқада ишингиз битади. Ҳам вақт тежалади, ҳам ортиқча оворагарчилик йўқ. Югур-югур камайгандан кейин одамда нимадир иш қилишга иштиёқ пайдо бўлади. Бунинг эса тадбиркорлик учун аҳамияти катта. Яна бир қулайлик шу бўлдики, онлайн электрон давлат хизматларидан фойдаланиш. Яъни сиз бугун дейлик соат 14.00 дан 15.00 гача вақтингиз бўлса, мобиль иловага кириб, шу вақтга ёзиласиз. Кун бўйи ўтирмайсизда, ўша белгиланган вақтда келиб, хизматдан фойдаланиб кетаверасиз.

Яна бир муҳим жиҳат – бу тизимни рақамлаштириш. Фуқаролик ҳолати далолатномалари архивидаги 60 миллион дона қоғоз шаклидаги маълумотлар тўлиқ рақамлаштирилгач, 660 минг фуқаронинг мурожаати ташкилотга келмасдан туриб, тезкор ҳал бўлди. Бу аҳолининг камида 8 миллиард сўм маблағи иқтисод қилинди, дегани.



Ҳисоб-китобларга кўра, бугунги кунда атиги 11 фоиз хизматлар электрон шаклда кўрсатилмоқда. Бунинг асосий сабаби, зарур маълумотлар тўлиқ рақамлаштирилмаган. Мисол учун, Маданият вазирлиги томонидан кўрсатиладиган 25 турдаги давлат хизматларидан бор-йўғи бир турдаги хизматдан электрон шаклда фойдаланиш мумкин. Ички ишлар органлари томонидан эса 46 турдаги давлат хизмати кўрсатилади, аммо уларнинг 7 турдагиси онлайн шаклда. Соғлиқни сақлаш муассасалари тақдим этадиган 21 турдаги хизматнинг 5 турдагиси рақамлаштирилган. Янги маълумот етказиш базаси, ситуацион марказ, "Call-markaz" фаолиятларини йўлга қўйиш устида иш олиб бориляпти. Қайд этилишича, бу якуний босқичда. Давлатимиз раҳбари тақдимотда кўрсатиладиган давлат хизматлари сони ва сифатини ошириш бўйича кўрсатма берди. Рақамлаштириш айнан марказларда юзага келадиган тирбандликларнинг олдини олишга ёрдам беради. Бу эса хизмат сифатини янада оширади.

Яна бир муҳим масала: ситуацион марказ орқали нафақат видео, аудио кузатув, балки хизматларнинг қаерда амалга оширилаётгани, қайси хизмат турига бўлган талаб ошаётгани, қайси хизмат турининг сифати камайгани ёки қайси ходим қанча хизмат кўрсатгани, қайси ходим дангасалик қилгани бўйича таҳлилни чиқариб беради.

Мобиль иловалар хизмат кўрсатиш соҳасини бир неча баробарга тезлаштирди. Бу каби имкониятларни давлат хизматлари кўрсатиш тизимига ҳам жорий этиш зарур. Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг мобиль иловаси орқали 35 турдаги хизмат кўрсатиш мумкин, холос. Ундан атиги 11 таси интерактив хизматлар. Электрон идентификация тизими ҳамда электрон рақамли имзо билан ишлаш ривожланмаган.

Хўш, бу борада аҳолини қандай янгиликлар кутмоқда?

– Вазирлик томонидан мобиль иловани такомиллаштириш бўйича алоҳида чора-тадбирларни белгилаб олганмиз, – дейди Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бошқарма бошлиғи Дилшод Мирзаев. – Яъни мобиль иловага кириш босқичидан бошлаб, унинг дизайни, кўриниши, тайёрлаш ҳамда хизматлар сонини йил якунига қадар 100 тага етказишни режалаштирганмиз. 60 та давлат хизматини электрон кўринишга ўтказиб, Ягона интерактив давлат хизматларида жорий қилинади. Хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш, тиббий ёрдам кўрсатиш учун йўлланма, яъни ордер олиш хизмати рақамлаштирилади. Тўғрисини айтиш керак, бу таниш-билишчилик, бюрократия, коррупция омиллари учраб турадиган йўналиш. Шу сабабли бу хизматларни электрон шаклда тақдим қилиб, шаффофликни таъминлашни мақсад қилганмиз. "Марказ–маҳалла–фуқаро" тамойили бўйича давлат хизматларининг оилаларга кириб боришига эътибор қаратилади.

Электрон давлат хизматларини кўрсатишда яна бир ўзига хос инфратузилма – бу почта бўлинмаларидир. Мисол учун, Швейцариянинг "Швифспост" оператори кейинги тўрт йилда асосий эътиборни почта бўлимларида давлат хизматларини кўрсатишга қаратмоқчи. Шу нуқтаи назардан олис ҳудудлардаги 500 дан зиёд почта бўлимларида 17 турдаги давлат хизматини кўрсатиш йўлга қўйилиши айни муддао.

Режага кўра, аҳолига янада қулайлик тақдим этиш мақсадида янги механизмлар жорий этилди. Жумладан, ногиронлиги бўлган ҳамда Ягона ижтимоий реестрга киритилган фуқароларга тўловлар бўйича 50 фоизлик чегирма тақдим этилади. Шу тариқа 1 миллионга яқин ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қамраб олинади. Давлат хизматини кўрсатиш муддати 3 иш кунидан ортиқ вақтга кечиктирилганда хизмат учун тўланган тўлов қайтариб берилади.

Тан олиш керак, ушбу соҳадаги ислоҳотлар одамларнинг оворагарчилигига барҳам бериб, ортиқча харажатларни чеклайди. Энг муҳими, энди аҳоли бир даста қоғоз билан бир эшикдан иккинчи эшикка чопмайди. Ушбу саъй-ҳаракатлар давлат хизматларини кўрсатиш соҳасининг аҳоли ва тадбиркорлар рози бўладиган майдонга айланаётганидан ишора.

# Кадастр тизимига инновацион технологиялар

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида "Давлат кадастрлари тизимини такомиллаштиришда илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларни амалиётга жорий этишнинг долзарб муаммолари" мавзусида халқаро илмий-амалий онлайн анжуман бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда Россия, Туркия, Озарбайжон, Мўғулистон, Беларусь, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон давлатларидаги ҳамда юртимиздаги олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари олимлари, "Ўздаверлойиҳа" давлат илмий лойиҳалаш институти, Кадастр агентлиги вакиллари иштирок этди.

– Мамлакатимизда ҳамда хорижда давлат кадастрлари соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш ва тажриба алмашиш анжуманнинг бош мақсади, – дейди Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ректори в.в.б, профессор Эркин Исаков. – Шунингдек, ер ресурслари, давлат кадастрлари ҳамда геодезия, картография, геоинформатика бўйича фаолият юритаётган олимларни тармоқлараро илмий тадқиқотларга йўналтириш, давлат кадастрлари соҳасида фаолият олиб бораётган тадқиқотчиларни халқаро миқёсдаги жамиятларга жалб этишни кенгайтириш, академик алмашинувни кучайтириш, инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этиш кўзда тутилган. Иштирокчиларнинг маърузалари айнан шу йўналишларни қамраб олди.

Дарҳақиқат, айни пайтда юртимизда бу соҳада кўплаб амалий ишлар бажарилмоқда. Хусусан, Олий таълим муассасаларида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, фанларнинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш, улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор ишлар олиб борилмоқда: дунёнинг етакчи мамлакатлари ҳамда THE, QS, ARWU, MULTI-ranking каби нуфузли рейтинг агентликлари тажрибаси асосида олий таълим муассасаларининг миллий рейтингини аниқлаш тизими йўлга қўйилди. Анжумандаги таклиф ва тавсиялар нафақат республикамизда, балки жаҳондаги Давлат кадастрлари соҳаларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.





Дунёнинг ривожланган мамлакатлари ва Ўзбекистан Республикасида давлат кадастрлари тизимига илм-фан ютуқлари ҳамда инновацион технологияларни жорий этиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар мазкур анжуманнинг илмий йўналиши ҳисобланади. Бугунги кунда урбанизация ва аҳоли сонининг муттасил ортиб бориши, янги турар жой массивлари барпо этилиши, шаҳарлар, аҳоли пунктларининг кенгайиши, замонавий технологияларни фаол жорий этиш асосида давлат кадастрлари тизимини модернизациялаш, миллий географик ахборот тизимларига асосланган хизмат кўрсатиш тизимини тубдан яхшилаш учун чуқур тадқиқотлар ўтказилишини тақозо этмоқда.

Анжуманнинг шўъба йиғилишларида кадастр соҳаси бўйича кадрлар тайёрлашнинг муаммо, ечим ва истиқболлари, қишлоқ хўжалигида ерларни кадастр баҳолашнинг замонавий услублари, давлат шаҳарсозлик кадастри геоахборот тизими геопортали имкониятлари каби мавзуларда Озарбайжон, Россия, Туркия, Мўғулистон тажрибаси тўғрисида ушбу давлатлар олим ва мутахассисларининг фикрлари тингланди.

– Юртимизда кадастр соҳаси ҳам бугун тубдан ислоҳ қилиниб, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва бошқа соҳалар бўйича ер ҳамда ер билан боғлиқ муносабатлар халқаро тажриба асосида тартибга солинмоқда, – дейди Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ўқитувчиси Лазизбек Ибрагимов. – Бу борадаги бошқарув тизими ҳам такомиллашиб, Кадастрлар палатаси, Давлат Солиқ қўмитаси ҳузурида Давлат кадастр агентлиги ташкил этилди. Бошқаруви ўзгариши билан бирга эндиликда фаолиятни ҳам замон талаблари даражасида йўлга қўйиш зарур. Бунда илм-фан ва инновациялардан амалиётда самарали фойдаланиш зарурати юзага келмоқда. Конференцияда айнан шу каби масалаларда амалиётчилар билан фикрлашдик. Қатнашчиларига институтда мазкур соҳа бўйича кадрлар тайёрлаш, агентлик билан ҳамкорлик ҳақида батафсил маълумот берилди.

# СПЕЦИАЛЬНОЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ О ЗАКУПКАХ

## Республика Узбекистан

**Проект:** "Развитие инженерной инфраструктуры в сельской местности для строительства индивидуального жилья по типовым проектам" (Фаза 2)

**с участием Кувейтского фонда арабского экономического развития – поставка, установка и шеф-монтаж локального очистного сооружения (ЛОС)**

**Заем № 1024**

**№ конкурсных торгов 2020-14**

1. Республика Узбекистан подписала заемное соглашение с Кувейтским фондом арабского экономического развития (далее – КФАЭР) по реализации проекта "Развитие инженерной инфраструктуры в сельской местности для строительства индивидуального жилья по типовым проектам" (Фаза 2) (далее – Проект) и намерена использовать финансовые средства на строительство подводящих и внутримассивных сетей водоснабжения, а также поставки, установки и шеф-монтажа локального очистного сооружения (ЛОС) в сельских местностях Республики Узбекистан в рамках Проекта. Конкурсные торги будут регулироваться в соответствии с правилами и процедурами закупок КФАЭР. ИК ООО "Кишлок курилиш инвест" (Заказчик) настоящим приглашает правомочных участников к подаче своих тендерных предложений в запечатанном виде на осуществление поставки, установки и шеф-монтажа ЛОС в сельской местности Ташкентской области.

**Срок строительства составляет** – 4 (четыре) месяца.

А) Поставка, установка и шеф-монтаж локального очистного сооружения (ЛОС) в количестве 2-х единиц ёмкостью по 50 м³ в сельской местности Ташкентской области (**срок строительства составляет** – 4 месяца).

2. Конкурсные торги будут проводиться в соответствии с условиями национальных конкурсных торгов, как указано в Руководстве по закупкам товаров и услуг КФАЭР в рамках финансирования КФАЭР (нынешнее издание), и открыт всем правомочным участникам, как указано в руководстве.

3. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию из нижеперечисленного Территориального консалтинговых центра по организации конкурсных торгов в строительстве по нижеприведенному адресу в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

| Ташкентская область |
|---|
| **Адрес:** город Ташкент, Навои, 18.<br>**Телефон:** (71) 241-15-22.<br>**Факс:** (71) 241-15-32. |

4. Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, правомочными участниками может быть приобретен путём представления письменного заявления на имя организаторов торгов по вышеуказанному адресу с приложением платежного поручения из банка о невозмещаемой оплате в размере 1 БРВ (базовая расчетная величина).

5. Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве.

**Ниже представлены реквизиты его банковских счетов:**

| Ташкентская область |
|---|
| **Банк:** ЦОО Ташкентский областной филиал АТБ "Турон банк"<br>**Р/с:** 2021 0000 2045 4602 7001<br>**ИНН:** 300 017 720 |

6. Все предложения должны быть предоставлены организатору конкурсных торгов в период с даты объявления конкурсных торгов (с 10.00 до 17.00 с понедельника по пятницу) по адресу, указанному в пункте 3. Предложения будут приниматься в Территориальных консалтинговых центрах по организации конкурсных торгов в строительстве в соответствии с регионом до истечения крайнего срока подачи предложений, которые указаны ниже (см. таблицу). Если последний срок подачи конкурсных предложений попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.

7. Декларацию об обеспечении тендерного предложения требуется приложить к предложениям. Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок согласно нижеприведенной таблице в присутствии представителей участников торгов.

**Конкурсные предложения будут вскрываться по нижеуказанному адресу:**

| Хокимият Ташкентской области |
|---|
| **Адрес:** город Нурафшон, улица Хокимият.<br>**Телефон:** (71) 232-80-47.<br>**Факс:** (71) 232-80-42. |

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

### ПРИГЛАШЕНИЕ № КФР-2020-14 ДЛЯ УЧАСТИЯ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

**Проект:** "Развитие инженерной инфраструктуры в сельской местности для строительства индивидуального жилья по типовым проектам" (Фаза 2)

**с участием Кувейтского фонда арабского экономического развития**

| № Лота | Наименование района | Наименование массива | Локальное очистное сооружение (ЛОС) ёмкостью 50 м³ | Срок строительства | Крайний срок подачи |
|---|---|---|---|---|---|
| по Ташкентской области | | | 2 | 4 месяцев | 24 июня 2021 года, 12.30 |
| КФР-62 | Уртачирчикский | Уйгур | 1 | | |
| КФР-63 | Куйичирчикский | Ибрат | 1 | | |

**9. Заинтересованные правомочные участники торгов должны отвечать следующим требованиям:**

| Область | № Лота | Требуемый среднегодовой оборот (млн. сум) | Требование к наличию финансовых ресурсов (млн. сум) | Контракты аналогичного объёма и характера (млн. сум) | Общий опыт работы (год) | Завершение поставки, установки и шеф-монтажа ЛОС не менее ___ единиц за последние 3 (три) года | Земляные работы в объёмах по крайней мере (м³) | Бетонные работы в объёмах по крайней мере (м³) | Завершение укладки сетей канализации из не металлических труб диаметром от 160 до 200 мм по одному контракту за последние 3 (три) года: со скоростью не менее ___ п.м. за один месяц | общей протяжённостью более __ п.м. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ташкентская | КФР-62 | 2407,00 | 402,00 | 1285,00 | 3 | 3 | 2000 | 50 | 500 | 1000 |
| | КФР-63 | 3315,00 | 553,00 | 1770,00 | 3 | 3 | 2000 | 50 | 500 | 1000 |

# ПРИГЛАШЕНИЕ НА УЧАСТИЕ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

## Республика Узбекистан

**Программа:** "Строительство доступных жилых домов по обновленным типовым проектам в сельской местности" Фаза-1

**с участием Кувейтского фонда арабского экономического развития**

**Строительство подъездных и внутримассивных дорог**

**ПРОЕКТ № УЗБ-983**

**№ контракта/тендерных торгов КФР-2019-12**

1. Республика Узбекистан подписала заемное соглашение с Кувейтским фондом арабского экономического развития (далее – КФАЭР) по реализации Программы "Строительство доступных жилых домов по обновленным типовым проектам в сельской местности" Фаза-1 (далее – Программа) и намерена использовать часть финансовых средств на строительство подъездных и внутримассивных дорог в сельских местностях Республики Узбекистан в рамках Программы. ИК ООО "Кишлок курилиш инвест" (Заказчик) настоящим приглашает правомочных участников к подаче своих тендерных предложений в запечатанном виде на осуществление строительства подъездных и внутримассивных дорог в Ташкентской области.

**Срок строительства составляет** – 7 (семь) месяцев.

2. Участники торгов могут подавать свои тендерные предложения по одному или нескольким лотам, как указано в тендерных документациях. Участники могут предоставить скидку в случае присуждения одного или более контракта, при условии, что данная скидка отражена в Письме предложении.

3. Национальные тендерные торги будут проводиться в соответствии с процедурой КФАЭР для товаров и работ в рамках финансирования КФАЭР и доступны всем правомочным участникам, как описано в тендерных документациях.

4. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию в Территориальном консалтинговом центре по организации конкурсных торгов в строительстве по адресу ниже в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

| Ташкентская область |
|---|
| **Адрес:** город Ташкент, ул. Навои, 18.<br>**Телефон:** (71) 241-15-22.<br>**Факс:** (71) 241-15-32. |

5. Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, правомочными участниками может быть приобретен путём представления письменного заявления на имя организаторов торгов по вышеуказанному адресу с приложением платежного поручения из банка о невозмещаемой оплате в размере 1 БРВ (базовая расчетная величина).

Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – соответствующему Территориальному консалтинговому центру по организации конкурсных торгов в строительстве.

**Ниже представлены реквизиты его банковских счетов:**

| Ташкентская область |
|---|
| **Банк:** ЦОО Ташкентский областной филиал АТБ "Турон банк"<br>**Р/с:** 2021 0000 2045 4602 7001<br>**ИНН:** 300 017 720 |

**6. Тендерные предложения должны быть представлены:**

по вышеуказанному адресу;

**до истечения крайнего срока подачи предложения:** согласно дате, указанной в перечне контрактов;

необходимо представить декларацию для тендерного предложения.

**Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок, в присутствии представителей участников торгов, изъявивших желание присутствовать по нижеуказанному адресу:**

| Хокимият Ташкентской области |
|---|
| **Адрес:** город Нурафшон, улица Хокимият.<br>**Телефон:** (71) 232-80-47.<br>**Факс:** (71) 232-80-42. |

7. Заинтересованные правомочные участники торгов должны отвечать следующим требованиям:

| Протяженность дороги | Требуемый среднегодовой оборот в строительстве (сум) | Требование к наличию финансовых ресурсов (сум) | Опыт работ в схожих контрактах (сум) | Земляные работы, выполненные за последние 3 года (м³) | Бетонные работы, выполненные за последние 3 года (м³) | Работы по асфальтированию дорог, выполненные за последние 3 года (м²) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 км | 500 000 000,0 | 150 000 000,0 | 400 000 000,0 | 800,0 | 100,0 | 2 000,0 |
| 2 км | 1000 000 000,0 | 300 000 000,0 | 800 000 000,0 | 1 600,0 | 200,0 | 4 000,0 |
| 3 км | 1 500 000 000,0 | 450 000 000,0 | 1 200 000 000,0 | 2 400,0 | 300,0 | 6 000,0 |
| 4 км | 2 000 000 000,0 | 600 000 000,0 | 1 600 000 000,0 | 3 200,0 | 400,0 | 8 000,0 |
| 5 км | 2 500 000 000,0 | 750 000 000,0 | 2 000 000 000,0 | 4 000,0 | 500,0 | 10 000,0 |

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

### ПРИГЛАШЕНИЕ № КФР-2019-12 ДЛЯ УЧАСТИЯ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

**Программа:** "Строительство доступных жилых домов по обновленным типовым проектам в сельской местности" Фаза-1

**с участием Кувейтского фонда арабского экономического развития**

**ПЕРЕЧЕНЬ КОНТРАКТОВ**

| № Лота | Район | Массив | Протяжённость подъездных и внутримассивных дорог (км) | Конечный срок подачи предложений |
|---|---|---|---|---|
| итого по Ташкентской области | | | 1,716 | |
| КФР-80 | Кибрайский | МСГ "Мехнат" | 0,148 | 24 июня 2021 года, 11.00 |
| | Бекабадский | МСГ "Зафар" | 0,280 | |
| КФР-81 | Кибрайский | МСГ "Байткурган" | 0,669 | |
| | Бустанлыкский | МСГ "Коранкул" | 0,619 | |

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№41 (492) 2021 йил 25 май

# Қурилишнинг асосий малзами

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.



**Цемент, асосан, қурилишда боғловчи восита сифатида ишлатиладиган кукун ҳолатидаги унсурдир. Сув, шағал ва қум билан қориштирилганда бетонга эврилади. У саноат усулида гил, силикат қуми, оҳактош, бўр, қаттиқ ер қатлами ёки мармар кабилардан олиниб, асримизнинг асосий қурилиш малзами ҳисобланади.**

Замонамиз шаҳарсозлиги кунора бир-бирига менгзамаган бино-иншоотлар билан бойимоқда. Хусусан, миллиардлаб тонна цемент хомашёси давлатларнинг шаҳарсозлик ўзгаришларида катта аҳамият касб этмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам қурилиш жараёнлари ва цемент ишлаб чиқариш ҳажми бир қадар ўсди. 2021 йилнинг дастлабки 3 ойида йирик корхоналар томонидан 2,2 миллион тонна цемент ишлаб чиқарилди. Бу – 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 14,1 фоизга ошган.

